# Qishloq hayoti

*Қишлоқ ҳаёти*

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi   www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 20-MART, SESHANBA, 34 (7963) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Избоскан туманидаги «Пойтуғ» пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамиятида пахтани қайта ишлаш жараёнлари, бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар учун яратилган қулайликлар, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ободончилик масалаларига бағишланган ҳудудий кўргазмали семинар ўтказилди.**



**Намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда қуриладиган уй-жойларнинг қулайлиги шундаки, улар замонавий қурилиш материаллардан фойдаланиб бунёд этилади ҳамда тайёр ҳолда "калити билан" топширилади. Кредит олувчи ва биргаликда қарз олувчининг кредит ва кредит бўйича ҳисобланган фоизлар учун йўналтирган тўловлари даромад солиғига тортилмайди.**



**Ёзма манбаларда таъкидланишича, Наврўзнинг пайдо бўлиши қуёшнинг Ҳамал буржига кириши, кун ва туннинг вақт жиҳатдан тенглашиши, табиатнинг уйғониши билан боғлиқ. Абу Райҳон Беруний минг йил аввал «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Наврўзни «оламнинг бошланиши» дея таърифлаган.**

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Мустаҳкам оила – жамият пойдевори» мавзуида онлайн мулоқот бўлиб ўтди. «Uzinfocom» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, экспертлар, маданият ва санъат арбоблари, журналистлар иштирок этди.

► **Термиз шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг барча қулайликларга эга янги жарроҳлик мажмуаси фойдаланишга топширилди. Замонавий бинони қуриб, ишга тушириш учун 4,2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.**

► Самарқанд шаҳрида вилоятдаги йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Мазкур тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган 150 дан зиёд саноат корхоналари минг турга яқин маҳсулотлари билан қатнашди.

► **Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида тармоқ фаолларининг ижтимоий шериклар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида "Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Наманган Вилояти



# ҲУНАРМАНДЛАР ОИЛАСИ



**Наманган шаҳрининг Мингчинор даҳасида истиқомат қилаётган Неъматжон Солиев оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган қўли гул ҳунармандлардан.**

Н.Солиев мамлакатимизда ҳунармандларга яратилган кенг шароитлардан фойдаланиб, кулолчиликнинг қадимий анъаналари ва замонавий талаблар уйғунлигида чинни буюмлар ишлаб чиқариш устахонасини очди. Илгари бўш вақтида оддий сопол гултуваклар ясаш билан шуғулланган Неъмат аканинг мўъжаз устахонасида бугун 20 турдан зиёд зарҳалли чинни буюмлар тайёрланмоқда. Бу ишга оила аъзоларини ҳам жалб этган. Айни пайтда устахонада ўн нафар шогирд ҳам кулолчилик маҳоратидан сабоқ олмоқда.

**СУРАТДА:** *кулол Неъматжон Солиев турмуш ўртоғи Ҳакимахон Йўлдошева ўғиллари Ботиржон, Носиржон ва Шокиржон билан.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Қашқадарё Вилояти

# ЭЪТИБОРЛИ ИШЛАР ЭЪТИРОФИ

**Қарши давлат университети зоология кафедраси ўқитувчилари ташаббуси билан Деҳқонобод тиббиёт коллежида "Таълимда узлуксизлик ва узвийликни таъминлашда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболлари" мавзусида тадбир ташкил этилди.**

Унда иштирок этган университет профессор ва ўқитувчилари юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда республикамизда таълим тизимини ривожлантиришнинг истиқболлари хусусида сўз юритдилар. Хусусан, мазкур университет ва вилоятдаги академик лицей, касб-ҳунар коллежларида талаба ҳамда ўқувчиларга янада сифатли таълим бериш борасида қилинаётган амалий ишлар ҳақида гапирилди.

Бугунги кунда кўпгина таълим муассасаларида ўқувчилар ZiyoNet тармоғи имкониятларидан баҳраманд бўлишмоқда. Электрондарслик ҳамда ўқув қўлланмаларидан бемалол фойдаланишяпти. Сўзга чиққанлар таълим жараёнида техник воситалар ҳамда тажрибали ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган ноанъанавий дарс ишланмаларидан унумли фойдаланишнинг самаралари ҳақида ҳам тўхталдилар.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

# ҚАРОРИ

## ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2012 йил 21 март чоршанба дам олиш куни 22 март пайшанба кунига, 25 март якшанба дам олиш куни 23 март жума кунига кўчирилсин;

2012 йил 21 март чоршанба ва 25 март якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 19 март*

*Жойларда Президент соврини учун ўтказилаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда.*

# «ТАШАББУС» – ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

**БУХОРО ВИЛОЯТИ.** Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройида Президент соврини учун анъанавий ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган энг яхши фермер, тадбиркор ва ҳунармандлар иштирок этишди.

Танлов иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган ва кўргазмага қўйилган маҳсулотларнинг сифат даражаси юқорилиги мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига яратиб берилаётган кенг имкониятлар самарасидир.

Танлов якунига кўра, "Бухоро Карпет" корхонаси раҳбари Анвар Ризвонов "Энг яхши тадбиркор", Шофиркон туманидаги "Афзал полимер замини" фермер хўжалиги раҳбари Афзал Кушаев "Энг яхши фермер", жондорлик пичоқчи-уста Ғолиб Бафоев эса "Энг яхши ҳунарманд" сифатида эътироф этилди. Шунингдек, бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиблар номи эълон қилинди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.** Фарғона шаҳрида ўтказилган "Ташаббус-2012" кўрик-танловининг вилоят босқичида шаҳар ва туманларда ғолибликни қўлга киритган 56 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди.

Риштонлик Мирзаакбар Акромов 25 ёшда. У ёшлигидан кулолчилик билан шуғулланади. Маҳмуджон Азизов, Одилжон Неъматов, Алишер Назиров каби устозлари таълимини олган ҳунарманд бугун қишлоқ ёшларига ҳунари сирларини ўргатмоқда. Риштон лаганлари, вазалари, мевадонларнинг янги кўринишларини яратган Мирзаакбар Акромов "Ташаббус-2012" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Энг яхши ҳунарманд" номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

Тошлоқ туманидаги "Мухтора МЗХМ" фермер хўжалиги раҳбари Салимжон Қодиров "Энг яхши фермер", Қўқон шаҳридаги "Asaka textile" МЧЖ раҳбари Ўктам Маллабоев "Энг яхши тадбиркор" деб топилди.

— Корхонамизда 88 хилдаги эркак ва аёллар ҳамда болалар пайпоқлари ишлаб чиқарамиз, — дейди Ўктам Маллабоев. — Корея ва Япониядан келтирилган энг замонавий ускуналар билан таъминланган корхонамиз йилига 12 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга.

Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида сўзга чиққанлар янги ғоялар, ташаббуслар билан янгиликлар яратаётган тадбиркор, ҳунарманд ва фермерларнинг янги иш ўринларини ташкил этаётганликлари аҳамиятли эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ғолиблар кўрик-танловнинг Республика босқичига йўлланма олдилар. Уларга вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ш.Ғаниев иштирок этди.

**Соҳиба АБДУРАҲМОНОВА**

* * *

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ.** Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида Президент соврини учун "Ташаббус-2012" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Тадбирда 70 нафардан ортиқ фермер, ҳунарманд ва тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси билан иштирок этдилар.

Кўргазма намойишида барча йиғилганлар, иштирокчиларнинг меҳнатлари маҳсулини муносиб баҳолашди.

Танловда ғолибликни "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича Навоий шаҳрида фаолият юритувчи "Қўшчиноргўшт" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Анвар Ҳасанов, "Энг яхши фермер" йўналиши бўйича Хатирчи туманидаги "Орзу" фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Ўринов, "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича Ўзбекистон Бадиий академияси Навоий шаҳар бўлими ходими Юрий Кузнецов қўлга киритди.

**Маърифат ШАРИПОВА**

*(Давоми 2-саҳифада)*

# ЯШНАТИШ ВА ЯШАРИШ ЗАВҚИ УЙҒУНЛАШГАН ЭЗГУ УДУМ

## МАМЛАКАТИМИЗДА 17-18 МАРТ КУНЛАРИ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5 мартда қабул қилинган фармойишига биноан март-апрель ойлари юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди. Ойлик доирасида 17-18 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.**

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга кўра, ушбу эзгу тадбирда 17 миллиондан зиёд юртдошимиз иштирок этди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 35 360 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди. Боғларга, ҳовли-жойларга, хиёбонларга, кўчаларга мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилди. Янги тутзорлар барпо этилди. Мавжуд дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Ариқлар, лотоклар тозаланди, зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди.

— Юртимиз бўйлаб Наврўз нафаси кезиб юрган шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида яшнатиш, яратиш, бунёдкорлик тўйғулари билан яшаётган юртдошларимиз бу галги ҳашарга ўзгача ёндашдилар, — дейди Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлим бошлиғи Учқун Маҳмудов. — Ҳашар кунлари янги ижтимоий объектларни фойдаланишга топшириш, болалар ва спорт майдончаларини қуриш, янги боғлар барпо этиш каби хайрли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳашар хайрли тадбирларга бой бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги Ақчакўл ва Шарқ юлдузи овул фуқаролар йиғини, Қаватқалъа маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида маҳалла гузари, Бўстон шаҳарчасида маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, Гулдирсин овул фуқаролар йиғини ҳудудида иссиқхона ишга туширилди.



Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Намуна маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи, А.Яссавий маҳалла фуқаролар йиғинида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, Сайхунобод туманидаги Анормат Ниязов номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида спорт комплекси, Гулистон туманидаги Олтин Ўрда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида зооветеринария ва сунъий қочириш пункти фойдаланишга топширилди.

Хоразм вилояти Гурлан туманидаги Гурлан шаҳарча фуқаролар йиғини ва Олға қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, Янгибозор туманидаги Ширинкўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида гўзаллик салони ва савдо дўконлари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги Чиноз шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудида мусиқа мактаби, Янгийўл туманидаги Гулбаҳор қўрғонида ФҲДЁ бўлими таъмирланиб, ишга туширилди.

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Юрчи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Минора маҳалла гузари, Термиз туманидаги Паррандачилик, Қуёшли, Тинчлик маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди.

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги Ҳакимқул номли маҳалла фуқаролар йиғини биноси, Самарқанд шаҳридаги Беруний, Кавола маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.

Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Мулали маҳалла фуқаролар йиғини биноси таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Яккабоғ туманидаги Хиёбон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида савдо дўкони, гўзаллик салони ва гўшт дўкони, Совуқбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида иссиқхона, Ғузор туманида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди.

Шу кунлари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатилди.

Айни кунлардаги об-ҳавонинг ўзгариб туриши, айрим ҳудудларда ёмғир ва қор ёғиши умумий иш жараёнига, фуқаролар фаоллигига таъсир кўрсатмади. Ҳамма ҳудудларда умумхалқ хайрия ҳашари кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Ҳашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобрақамига ўтказилади. Бу маблағ "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни бажаришга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлашга, маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маҳаллалардаги спорт майдончаларини таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлашга сарфланади.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

Андижон Вилояти

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

# «САМАРАДОРЛИК ОШИШИДАН ҚАЙТА ИШЛОВЧИ ВА ФЕРМЕР МАНФААТДОР»

## – ДЕЙДИ ИЗБОСКАН ТУМАНИДАГИ «ПОЙТУҒ» ПАХТА ТОЗАЛАШ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ РАИСИ ҲУСНИДДИН ИРГАШЕВ

**Яқинда ушбу корхонада пахтани қайта ишлаш жараёнлари, бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар учун яратилган қулайликлар, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ободончилик масалаларига бағишланган ҳудудий кўргазмали семинар ўтказилди. "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган ва водийдаги барча турдош корхоналарнинг раҳбарлари, бош муҳандислари, етакчи мутахассислари иштирок этган тадбирни ўтказиш учун айни шу корхона танлангани бежиз эмас.**



Фермерлар томонидан етиштирилаётган ҳосилни сифатли қабул қилиб олиш, яхши сақлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни терминалларга етказиб беришдек технологик жараёнда жамоанинг барча аъзоси ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилмоқда. 2010 йил ҳосилини қайта ишлаш якуни бўйича "Андижонпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси корхоналари ўртасида энг юқори кўрсаткичларга эришилди. Асосий кўрсаткич бўлмиш тола чиқиши ҳар қачонгидан кўра самарали бўлди. Чунончи, режадан ортиқча олинган тола миқдори сўнгги йилларда биринчи марта 400 тонналик маррадан ўтди.

Бу натижа бир вақтнинг ўзида корхонага ҳам, сифатли ҳосил яратган фермерга ҳам бирдек манфаат келтирди. Олинган қўшимча толани сотишдан келган даромаднинг 60 фоизи фермер хўжаликларига устама ҳақ сифатида берилди. Ҳар гектар ердан бир теримда 40 центнердан ошириб ҳосил йиғиб-териб олган кўплаб фермер хўжаликлари мўмай даромад эгаси бўлишди. Жумладан, "Чўнгбоғиш элита" фермер хўжалиги юқори ҳосил эвазига даромад олишда туманда карвонбоши бўлди. Ҳозирда мазкур фермер хўжалигида техника парки самарали фаолият юритяпти, ишловчиларга қатор қулайликлар яратилган. 2011 йил якунидаги фойда эвазига Самарқандда ишлаб чиқарилаётган автобуслардан бири харид қилинди. Қўли узун бўлаётган бундай фермерлар Избосканда кўплаб топилади.

Айни пайтда ўтган йилги ҳосилни қайта ишлаш давом этмоқда. Мавсум бошидан буён 17028 тонна пахта хомашёси қайта ишланди. Бугунги кундаги натижалар ҳам меҳнат жамоасини ва фермерларни қувонтирадиган даражада. Тола чиқиши режадаги 34,1 фоиз ўрнига 35,1 фоизга тўғри келаётир. Аниқроқ қилиб айтсак, ҳозиргача қайта ишлашга берилган хомашёдан режага қўшимча 173 тонна тола олинди.

Пахтачилик билан шуғулланадиган кўплаб мамлакатларда ҳосил самарадорлигини аниқлашда тола чиқиши асосий кўрсаткич ҳисобланади. Демак, ҳар гектар ердан 40 центнердан юқори сифатли пахта етиштираётган фермер бугунги кунда жаҳон андозасида меҳнат қиляпти, дейишга тўла асос бор. Тўрт тонна пахтадан 1400 килограмм тола олинаётганлиги бунга далил бўла олади. Гектарга ҳисобласангиз 14 центнер тола демакдир. Ижобий фарқ бўйича тўловнинг амалга оширилаётганлиги ҳам фермерларни янада яхши ишлашга, юқори сифатли ҳосил етиштиришга ундаяпти. Демакки, етиштирувчи ва қайта ишловчи ҳамкорлиги мустаҳкамланиб борган сари ижобий натижалар салмоғи ортаверади.

Корхонанинг қайси бир ишлаб чиқариш бўлимида бўлманг, меҳнат қилаётганлар ўртасидаги кўтаринкилик ва масъулият билан ишга ёндашув борлигини сезиб олиш қийин эмас. Узлуксиз иш жараёнида меҳнат қилаётганларга маданий-маиший шароитлар яратиб қўйилган. Корхона ошхонаси бамисоли шаҳарлардаги тамаддихоналарга ўхшайди. Дам олиш хоналари маънавият ва маърифатга чорловчи кўргазмалар билан жиҳозланган. Ишдан сўнг эса ювиниш ва тараниш учун шароит муҳайё. Атрофдан қатнаб ишлайдиганлар учун махсус автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Корхона ҳовлиси саранжом-саришта бўлиб, ҳар бир бўлимнинг ўз гулзори бор.

Яратиб берилган шароит жамоанинг ҳар қайси аъзосини изланиб, интилиб ишлашга чорлайди. Тола ажратиш цехи устаси Обиджон Соипов, момиқ ажратиш цехи чилангари Пўлатжон Отажонов, энергетика цехи мотористи Ўктамбек Ҳакимов, иккинчи ишлаб чиқариш бригадаси устаси Рустамжон Солиев каби ўз касби усталарининг эътироф этишларича, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитининг мавжудлиги боис, корхонада белгиланган режалар ҳамиша ошириб бажарилади. Тежамкорлик борасида ҳам ана шундай натижаларга эришилмоқда. Ўтказилган кўргазмали семинарда ҳамкасблар бу ердаги ибратли ишларни ўрганиш зарурлигини қайд этишди.

Корхонада касаначилик орқали бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш юзасидан ҳам белгиланган дастур асосида бир қатор ижобий ўзгаришлар қилинди. Айни кунларда кўп сиғимли совиткич қурилиши давом этаётир. У 2012 йилги мавсумда фермерлар ва шахсий томорқа эгалари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиб олади. Бу ерда 12 киши иш билан банд бўлади.

Хуллас, имкон қидирганга иш бор. Ана шундай муҳитнинг мавжудлиги ҳисобига мазкур корхона тизимда ўз ўрнига эга бўлаётир. Кўргазмали семинар қатнашчилари буни яна бир бор тасдиқлашди.

— Бу корхонада амалга оширилаётган ибратли ишлар ўз ижобий самараси билан бошқа корхоналарда ҳам йўлга қўйиш учун асос бўлади, — дейди анжуманда сўзга чиққан "Ўзпахтасаноат" уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари А.Иноғомов. — Қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини янада яхшилаш бўйича тармоқ ходимлари тажрибасини шу йўсинда янада бойитиб бораверамиз.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# «ТАШАББУС» – ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

*(Боши 1-саҳифада)*

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.** "Ташаббус–2012" кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичларида тўрт юз нафарга яқин тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар иштирок этди. Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази"да кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ўттиз олти нафар иштирокчи қатнашди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган икки минг турдан зиёд саноат, халқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди.

— Бугунги кунда вилоятимиз бўйича жами 25 мингдан ортиқ кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаётир, — дейди вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Соҳибжон Рапиқов. — Биргина ўтган 2011 йил давомида 2519 та кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, бунинг натижасида 32 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ўсиб, ўтган йил якунига кўра, бу кўрсаткич 78,7 фоизни ташкил этаётир. Бундай кўрсаткичларнинг қўлга киритилишида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида, янгидан-янги иқтидорли ва салоҳиятли тадбиркорларнинг кашф этилишида муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловларининг алоҳида ўрни ва аҳамияти катта. Ўтган йиллар давомида вилоятимизда ўтказилган мазкур кўрик-танловларда ўн мингга яқин тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар иштирок этишди.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича Наманган туманидаги "Водий ёғоч савдо" хусусий корхонаси раҳбари Исломбек Қутфиддинов, "Энг яхши фермер" йўналишида эса Чуст туманидаги "Саъди Файз" фермер хўжалиги раҳбари Файзулло Саъдиев, "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида Наманган шаҳридан Латифжон Садриддиновга ғолиблик насиб этди. Ғолиблар энди мазкур кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этади.

Кўрик-танловда вилоят ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ.** Урганчда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус–2012" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мустаҳкам оила йилидаги бу галги тадбирда иштирок этган киши ҳар бир қатнашчининг етиштирган ва ишлаб чиқарган маҳсулотларидан олиб келган намуналарини кўриб, тасанно айтиши табиий. Уларнинг барида фермерларимизнинг шижоаткорона меҳнатлари, тадбиркор ва ҳунармандларнинг моҳирлигию иқтидорлари ўз аксини топган эди.

Фермерлар томонидан намойиш қилинаётган маҳсулотлар билан танишар экансиз, ҳозиргина новдасидан узилгандай қип-қизил олмаларга, сут қайта ишланиб, чиройли идишларга қадоқланган қаймоқ, сметана, творог, сариёғ, қатиқларга кўзингиз тушади. Булар нафақат ишлаб чиқаришда, балки қайта ишлашда ҳам фермерларимиз етакчиликни қўлга олаётганидан далолат.

Ҳунармандлар қўлида сайқал топган сандиқ, бешик, гилам, мисдан ясалган қўмғону қозонларни кўриб, уларнинг санъатига офарин айтасиз. Кулол Баҳодир Отажонов, мисгар Ҳабибулло Худойберганов, ҳунарманд Меҳрибон Матёқубова, Темур Худойбергановлар ясаган маҳсулотлар танлов ҳайъати аъзолари ва иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ҳайъат аъзолари томонидан фермерлар, тадбиркор ва ҳунармандлар фаолияти ҳаққоний баҳоланди. Қўшкўпир туманидаги "Сайилхон" фермер хўжалиги раҳбари Мадрим Олломов "Энг яхши фермер", Янгибозор туманидаги "Элинза" хусусий ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси раҳбари Йўлдош Эшназаров "Энг яхши тадбиркор", хивалик ҳунарманд Меҳрибон Матёқубова "Энг яхши ҳунарманд" номинациялари бўйича ғолиб деб топилди. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи П.Бобожонов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

**Сирдарё туманидаги "Малек" уруғчилик корхонасида уруғлик чигитни саралаш, дорилаш, шохобча ва фермер хўжаликларига етказиб беришга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.**

# УРУҒЛИКНИНГ САРАСИ – ҲОСИЛНИНГ БАРАКАСИ

Анжуманда вилоят, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқарма бошлиқлари ҳамда бўлимлари мутахассислари, пахта тозалаш заводларининг раҳбарлари, пахта уруғчилиги лабораторияси мудирлари, уруғчилик ҳосилотлари, "Пахтауруғчилиги" бирлашмаси, "Давуруғназорат" маркази ходимлари, элита уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Унда сўзга чиққанлар тайёрланган уруғликни шохобчаларга ўз вақтида етказиб, ҳозирдан тахт ҳолга келтириб қўйиш, шохобча мудирлари, бириктирилган вакиллар масъулиятини янада ошириш, чигитни тўла ундириб олиш бўйича барча имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳақида тўхталдилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Бухоро Вилояти

ҲАМЖИҲАТ МАҲАЛЛА

# УСМОН АКАНИНГ *ибрати*

**Қоракўл туманидаги Зарафшон маҳалласида ҳудабеҳуда юрган кишига кўзингиз тушмайди. Каттаю кичик доим бирор юмуш билан банд. Маҳалладошларнинг бир-бирига қуюқ салом-алигидан аҳил-иноқлигини билиб олиш қийин эмас. Саришта кўчалар ва хонадонларни кўриб, "Отангга раҳмат-ей" деб юборганингизни билмай қоласиз. Бундай ибратли ишларга маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмон Қорёғдиев бош-қош.**

— Йиғинимиз ҳудудидаги 556 та хонадонда 3445 нафар киши истиқомат қилади, — дейди оқсоқол. — Йиғин фаоллари билан келишиб ҳар ойнинг сўнгги якшанбасини ҳудудимизда "Ободончилик куни" қилиб белгиладик. Шу куни ҳамма маҳалладошлар ўз хонадонлари атрофини, йўлакларни тозалаб қўйишади. Кўчалар тартибга келтирилади. Мавсумий ишлар бажарилади. Албатта, ҳар бир оиланинг тинч-тотувлиги кўп жиҳатдан унинг иқтисодий таъминланганлик даражасига боғлиқ. Фаолиятим давомида бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратяпман. Фаолларимиз билан ҳар бир хонадоннинг имкониятларини яқиндан ўрганиб, уларга қўшимча даромад топиш борасида йўл-йўриқ ва амалий ёрдамлар бериб боряпмиз. Бугун аксарият хонадон эгаларининг қўшимча даромад манбалари мавжуд. Улар ўз уйларида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, иссиқхона хўжаликларини ташкил этишган. Тикувчилик, дурадгорлик, темирчилик қилаётган, пишириқлар пишириб, аҳолига хизмат кўрсатаётган кишилар ҳам кўп. Тўймурод Назаров, Саъдулло Арслонов, Раим Бебутов, Жўрақул Остонов, Нурилло Сафаровларни бунга мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.



*Йиғин раиси У.Қорёғдиев оилаларни ўз уйларида даромад қилишга даъват этибгина қолмай, бу борада ўзи ибрат ҳам кўрсатади.*

Мустаҳкам оила йили муносабати билан ишлаб чиқилган йиғин дастурида эса ҳар бир хонадонда етти хазинанинг бири ҳисобланган паррандачиликни ривожлантиришни режалаштирганмиз. Айни кунда оилаларнинг бу борадаги имконият ва эҳтиёжларини ўрганиб чиқяпмиз.

Шу ўринда оқсоқолнинг ўзи маҳалла аҳлига ибрат бўлаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Усмон ака турмуш ўртоғи Жумагул опа, кенжа ўғли Шуҳрат, келини Шоҳиста ва невaралари кўмагида чорва моллари боқади. Ҳозир уларнинг қарамоғида 20 бош қорамол, 25 бош қўй, 50 бош паррандa бор. Даромади яхши. Энг асосийси, оиланинг барча аъзолари фойдали меҳнат билан банд. Рўзғорда баракаси бор. Қолаверса, ортгани бозорга чиқади.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

БОҒ-РОҒЛАРНИ ҲАМ КАТТА ДАРОМАД МАНБАИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Қорақалпоғистон Республикаси

# БОҒ-ТОКЗОРЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

**Нукус агроиқтисодиёт коллежида янги боғ-токзорлар барпо этиш, уларнинг қатор ораларига сабзавот, полиз, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини экиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги илғор агротехнологияларга бағишланган кўргазмали ўқув-семинар бўлиб ўтди.**



Семинарда мавжуд боғ ва токзорларнинг ҳолати, токзорларнинг самарадорлигини ошириш омиллари, моддий-техник таъминотни яхшилаш, соҳага илғор агротехнологияларни жорий этиш, корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларидан боғ-токзорлар йўналиши бўйича фойдаланиш, боғ-токзорларда, сабзавот, полиз, картошка экилган майдонларда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш чоралари бўйича мутахассисларнинг маслаҳатлари тингланди. Шунингдек, фермер хўжаликларини имтиёзли кредит ресурслари билан таъминлаш, мевали, манзарали дарахтлар, боғ ва ток кўчатларини экиш, қаламчаларни тайёрлаш бўйича фикр-тавсиялар берилди.

Таъкидланганидек, жорий йилда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан 30-35 фоизга, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни икки бараварга кўпайтириш назарда тутилмоқда. Мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда экин турлари бўйича жойлаштирилиб, талаб этиладиган уруғлик, кўчат, бўнак ва кредит маблағлари, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб беришнинг мақбул тизими яратилди.

Жорий йилда 6 минг 208 гектар боғларнинг 453 гектари, 666 гектар токзорларнинг 52 гектари қайта реконструкция қилинмоқда. 2011-2013 йилларда жами 3000 гектардан ортиқ майдонда, жумладан, жорий йилнинг ўзида 576 гектар майдонда янгидан боғлар барпо этиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилди. Унга асосан 576 гектар майдонда янгидан мевали боғлар, 45 гектар майдонда янгидан токзорлар барпо этиш бўйича иш олиб борилиб, 124 мингта мевали, 54 мингта узум кўчатлари келтирилади. Жорий йилда 35 минг 523 тонна мева, 5 минг 166 тонна узум маҳсулотлари етиштириш режалаштирилмоқда.

"Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ҳамкорликда ташкил этилган семинар якунида ўтган йили мева, узум маҳсулотлари етиштиришда юқори натижага эришган фермерларга Фахрий ёрлиқлар топширилди. Семинар иштирокчилари "Максам-Чирчиқ" ОАЖ, "Ифода Агрокимё Ҳимоя" МЧЖ, Нукус тумани ўрмон хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди ва келгусидаги ҳамкорликлар юзасидан келишиб олишди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.*

Самарқанд Вилояти

*Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида "Интенсив боғ яратиш — давр талаби" мавзусида Республика ўқув-семинари бўлиб ўтди. Тадбирда барча вилоятлардан келган соҳа мутасаддилари, боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.*

# ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ЎРГАНИЛДИ

Ўқув-семинар очилишида таъкидланганидек, кейинги йилларда вилоятда интенсив боғ яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Вилоятдаги мавжуд 1909 гектар интенсив боғнинг 1400 гектари томчилатиб суғорилади. Бу сувни тежаш баробарида, сарф-харажатни камайтириб, маҳсулот таннархининг арзонлашишига замин яратади. Қолаверса, мавжуд боғларнинг аксарияти эскириб, турли касалликларга мойиллиги боис ҳосилдорлик пасайиб кетганди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бир ярим минг гектар интенсив боғ 14 минг гектарлик одатдаги боғнинг ҳосилини берар экан. Шу боис, фермерлар интенсив боғ яратишга катта рағбат билдиришмоқда. Шунингдек, ҳосилни сақлаш ва қайта ишлаш борасида ҳам муайян ишлар олиб бориляпти. Жумладан, Самарқанд туманида "Самросхолод" қўшма корхонаси барпо этилиб, меваларни сақлайдиган улкан сиғимдаги замонавий музлаткичлар ўрнатилди. Қўшма корхона жамоаси бу билан чекланиб қолмай, қўшни фермер хўжаликларига ҳам музлаткичлар қуриб беришни йўлга қўймоқда.

Яна таъкидландики, яратилаётган боғларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан сара ва касалликларга чидамли кўчат ўтқазишга боғлиқ. Бу борада вилоятда салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Кейинги йилларда Греция, Сербия давлатларидан икки миллион саккиз юз минг дона пакана ва ярим пакана дарахт кўчатлари келтирилди. Ушбу ниҳолларни шу ернинг ўзида етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай ишлар натижасида кўчатчиликка ихтисослашган "Шарқсаноат" корхонаси ташкил этилди. Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтида эса юқоридаги каби кўчатлар етиштирилиши бошланди.

— Ушбу тадбирнинг айнан Самарқанд вилоятида ўтаётгани бежиз эмас, — деди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Яшин Хидиров. – Сабаби, самарқандлик боғбонлар бу борада анчагина илғор тажриба тўплаб улгуришди. Буни республика бўйича барпо этилган интенсив боғларнинг 45-50 фоизи ушбу вилоят ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Қолаверса, ўтган йили республикада меваларни сақлаш учун жами 100 минг тонналик совиткичхоналар барпо қилинди. Бу борада самарқандлик боғбонларнинг ҳиссаси 40 фоизни ташкил этмоқда.

Семинар қатнашчилари Самарқанд туманида фаолият кўрсатаётган "Оҳалик олтин боғлари" фермер хўжалигида бўлишди. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар, кўчат ўтқазиш, агротехник ишлов бериш, ҳашарот ва зараркунандаларга қарши курашиш борасида тажриба алмашишди. Шунингдек, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг олимлари, Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти мутахассислари фермерларга керакли маслаҳатлар беришди.

— Халқимизда минг эшитгандан бир кўрган афзал, деган гап бор, — дейди сурхондарёлик саксон тўрт ёшли боғбон Носирхон Тўрақулов. — Самарқандлик ҳамкасбларимиз амалга ошираётган ишларни кўриб, ҳавасим келди. Эллик беш йилдан бери боғбонлик қиламан. Аммо қанча ҳаракат қилмайин, оддий боғнинг гектаридан ўн-ўн икки тонна ҳосил кўтарганман, холос. Кейинги йилларда эса мавжуд боғларнинг аксарияти кексайиб қолди. Бу эса ҳосилдорликнинг янада пасайишига олиб келади. "Оҳалик олтин боғлари" фермер хўжалигидаги бир гектар олма боғидан 50 тоннагача ҳосил олиш мумкинлигини эшитиб, лол қолдим. Насиб бўлса, шу йили ўз кучим билан ўн гектар ана шундай интенсив боғ барпо қиламан. "Самросхолод" қўшма корхонасининг мутасаддилари билан келишдим. Улар менга кичикроқ ҳажмдаги музлаткич қуриб беришни ваъда қилишди.

Анжуман иштирокчилари "Самросхолод" қўшма корхонасида бўлишиб, музлаткичларнинг ишлаш жараёни, меваларни сақлаш технологияси билан яқиндан танишишди.

Ўқув-семинарда вилоят ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ...Ҳар кунинг ўлсин Наврўз!

**Шарқ халқларининг умрбоқий маънавий қадриятларидан бирига айланган Наврўз бир неча минг йиллик тарихга эга. Ёзма манбаларда таъкидланишича, унинг пайдо бўлиши қуёшнинг Ҳамал буржига кириши, кун ва туннинг вақт жиҳатдан тенглашиши, табиатнинг уйғониши билан боғлиқ. Абу Райҳон Беруний минг йил аввал «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Наврўзни «оламнинг бошланиши» дея таърифлаган.**



Байрамларнинг энг қадимийси, гўзали ва улуғвори бўлмиш янгиланиш, яшариш айёми — Наврўз асрлар оша сайқалланиб, бугунги кунда янгича мазмун ва моҳият касб этмоқда. Бу дамда ҳамманинг кўнглида янги умид ва орзулар куртак ёзади. Диллар покланади, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари янада жонланади. Деҳқон мўл ҳосил олиш умидида ерга уруғ қадайди, боғбон кўчат ўтқазади. Юртда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авж олади, янги боғ ва гулзорлар барпо этилади. Истиқлол йилларида Наврўз арафасида кексалар, ногиронлар ва беморларнинг ҳолидан хабар олиш, кам таминланган оилаларга мурувват кўрсатиш, иззат-икром қилиб, совға-салом улашиш анъанага айланди. Маҳалла гузарларида байрам дастурхони ёзилиб, кексалик гаштини сураётган отахону онахонларни бир пиёла чойга таклиф қилиш одат тусига кирди.

— Қадимда одамлар Наврўзда ҳаётингиз ширин бўлсин, деб бир-бирларига ширинликлар улашган, гўзал бўлинг, деб гуллар тақдим қилишган, бошланаётган йилда сув кўп бўлишни истаб, сув сепишган, — дейди тарихчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Дилшоҳон Қурбонова. — Наврўзда дошқозонларда сумалак қайнатишган. Буни янги йилнинг баракали, файзли ва серҳосил бўлиши нияти, деб билганлар.

Шу кунларда она замин бағридан сизиб чиқаётган зилол сувлар, уйғонаётган боғлар, ризқ-рўзимиз унаётган бепоён далаларга боқиб, жаннатмонанд юрт фарзанди эканлигимиздан кўнгиллар фахру ғурурга тўлади.

Ёшликни умр баҳори, деб ҳам аташади. Шу боис ҳам Наврўз муносабати билан амалга оширилаётган ишларнинг барчаси буюк келажак бунёдкорлари бўлмиш ёшларни истиқлол ғояларига садоқат ҳамда миллий-маънавий қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

Бу йил мустақил юртимизнинг йигирма биринчи баҳорини кўтаринки руҳда нишонламоқдамиз. Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз Юртбошимиз раҳнамолигида эртанги кунга ишонч билан қадам ташламоқда. Зеро, янгиланиш ва яшариш айёмининг завқи, нашидасини ҳис қила олишнинг кафолати ҳам ана шунда.

Наврўз шунчаки байрам эмас, балки кишиларни инсоний ҳис-туйғулар атрофида бирлаштирувчи куч-қудратга эга байрам. Шунинг учун ҳам ҳазрат Навоийнинг «Ҳар тунинг қадр ўлибон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз!» деган гўзал сатри бир-биримизга эзгу тилак бўлиб тилимизда тез-тез такрорланади.

**Ҳабиб СИДДИҚ,**
**Андижон қишлоқ хўжалик институти Маънавият тарғибот маркази раҳбари.**













**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 100-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

**Реклама ва эълонлар** – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

**Навбатчи муҳаррир:** М.ҒАФУРОВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-314, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.00
25338 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4